ISSN 0131 – 1832

Шарқ юлдузи

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN'ATSHUNOSLIK



Sharq yulduzi

12 / 2017

ОЛТИН ЎРДА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ



Махсуд КУРБАНИЯЗОВ

Адабиётшуносликда янги нуқтаи назарларнинг пайдо бўлиши, шубҳасиз, ўзбек адабиёти тарихини ғоя излашдан холи бўлган илм сифатида қарашга туртки берди. Шу боис адабиётнинг илк давридан бошлаб, биринчи навбатда, ғоявий қарашлар эмас, балки эстетик тамойиллар ва эстетик қадриятлар "инсониятнинг ментал тараққиёти"[1], яъни фикрлаш тарзи юқорилаб бориши натижасида юзага келган объект сифатида шаклланган ҳақида бир тўхтамга келинди. Ҳар бир давр адабиётида ўзига хос такрорланмас муносабатлар эстетик қадриятларнинг янгича, бир-биридан фарқ қиладиган ҳолатларини намоён қилди.

Биз "Олтин Ўрда ўзбек адабиёти"га алоҳида эътибор қаратар эканмиз, унинг ўзига хос эстетик объект бўлганини алоҳида таъкидламоқчимиз. Умуман олганда, қайси давр адабиёти ҳақида сўз юритмайлик, ёзма адабиёт эстетик тамойиллардан айри бўлган эмас. Фақат эстетик тамойиллар турли давр адабиётида бир-биридан фарқли хусусиятларга эга бўлган, холос.

Олтин Ўрда ўзбек адабиётининг эстетик тамойиллари ахлоқий-таълимий тушунчаларга асосланган билан диққатга сазовор. Айни пайтда маънавий-маданий ва ахлоқий жиҳатдан анча юксалган мана шу Олтин Ўрда давлатида туркий адабиётга ва туркий адабий тилга эътибор кучайди. Гарчи бу даврдаги адабиёт – туркий адабиёт, тил – туркий тил деб юритилса ҳам, туркий тилли халқлар орасида алоҳида мавқе тутган Олтин Ўрда адабий муҳитида яратилган асарлар – мавзу ва тил жиҳатидан ҳар бир ўзбек китобхонига жуда яқин[2]. Зотан, Олтин Ўрда ўзбек адабиёти алоҳида давр сифатида қаралгандагина, географик жиҳатдан кенг қамровга эга бўлганини тасаввур қила оламиз. Биринчидан, бу даврдаги ўзбек адабиёти Итил дарёси бўйларида яратилган булғор халқининг оғзаки ижоди ва ёзма адабиёти билан алоқаларга сабаб бўлди. Жумладан, Олтин Ўрда давлати ташкил топиши арафасидаёқ Ўрта Осиёдан мўғуллар босқини билан булғор давлати то-

[1] Натан Давидович Тамарченко и др. Теория литературы в двух томах. Под редакцией Натан Давидович Тамарченко. Том 1. Теоретическая поэтика. Учебное пособие. М.: ACADEMA, 2004, с. 48.

[2] Раҳмонов Насимхон. Ўзбек адабиётини даврлаштириш масалалари. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2016, 74-бет.

Махсуд КУРБАНИЯЗОВ – 1977 йилда туғилган. Нукус давлат педагогика институтини тугатган. "Ҳикоят ва эртак жанрлари муносабати", "Туркий адабиётда агиографик асарларнинг тузилиши ва қонуниятлари" каби ўндан ортиқ мақолалар муаллифи.

мон ёзма адабиёт сюжетлари ва халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам бирга борди. Албатта, бу қонуний ҳодиса бўлиб, адабий жараён фақат этник мансублик воситасида эмас, балки тилдаги яқинлик орқали ҳам кўчиб борганини таъкидлашимиз керак. Булғор-татар адабиётининг кўзга кўринган намояндаси Қул Алининг "Қиссайи Юсуф" асари ҳақида шундай фикрни илгари суриш мумкин. XIX асрдаёқ Юсуф қиссаси сюжетининг тарқалиши ҳақида Европанинг машҳур турколог олимлари Александр Кримский, Карл Броккельман, Анатолий Боровков ва бошқа олимлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Бу олимларнинг деярли ҳаммаси "Юсуф" қиссасининг ватани Ўрта Осиё, янада аниқроғи Бухоро ёки Мовароуннаҳр деган фикрларни илгари сурганлар. Айниқса, турк олими Фамуқ Кўпрулузода[3] "Юсуф" қиссасига жуда юксак баҳо берган. Зотан, Хоразм ўлкасида яратилган "Қисаси Рабғузий" таркибидаги энг гўзал "Юсуф қиссаси"нинг эътиборга молик жиҳати ва бу туркум қиссалар Шарқда эътибор қозонгани "Қисаси Рабғузий"нинг ўзида алоҳида таъкидлаб ўтилади. Рабғузий "Қиссаи Юсуф сиддиқ алайҳиссалом"нинг ибтидосида мазкур қиссани баён қилишга киришар экан, "аҳсан" демакда ҳикмат не эрди?" дея ўз олдига савол қўяди ва қуйидагича жавоб беради: "Жавоб ул турурким, Қуръон ичиндаги қамуғ[4] қиссалардин телимрак[5], фойдаси укушрак[6] Юсуф қиссаси турур. Ул йўлдин "Аҳсан-ул-қасас" (қиссаларнинг энг гўзали – М. Қ.) тедилар"[7]. Рабғузийнинг мана шу биргина изоҳи "Юсуф" ва "Юсуф ва Зулайҳо" туркум қиссаларининг манбаи ва маншаига аниқлик киритади. Биз бу ўринда Қуръони Каримдаги "Юсуф сураси" ҳаммага маълум бўлгани учун, у ҳақда тўхталмаймиз. Қолаверса, бу мазкур мақола доирасига сиғмайди. Эҳтимол, Юсуф сюжети ҳақида сўз юритган европалик олимлар "Қисаси Рабғузий"даги мазкур маълумотдан бехабар бўлсалар керак. Кўпрулузоданинг "Юсуф қиссаси" ҳақида билдирган фикри анча мантиқли ва "Қисаси Рабғузий"нинг географик ҳудудига мос келади, айни пайтда Рабғузийнинг маълумотларига ҳамоҳангдир. Олтин Ўрданинг муҳим маданий марказларидан ва ўлкаларидан бири бўлган Хоразм, шубҳасиз, Ўрта Осиё адабий жараёнини туркий қавмлар яшайдиган бошқа ўлкаларга ҳам етказиш учун "кўприк" вазифасини бажаргани аниқ.

Биз гапни "Юсуф қиссалари" ва "Юсуф ва Зулайҳо" достонлари ҳақидаги қиска шарҳдан бошладик. Зотан, бу туркумдаги қиссаларнинг XIV аср ҳикоячилигига алоқадорлиги масаласига келсак, шуни айтиш мумкинки, Юсуф ҳақидаги сюжет дастлаб ҳикоят жанри сифатида юзага келган. Қолаверса, мазкур қисса таркибида ривоят, хабар, латифа жанрларига қараганда, ҳикоят устун. Юсуф ва Зулайҳо саргузаштларининг кўп қисми ҳикоят тарзида баён қилинган.

Хуллас, Олтин Ўрданинг илк даврида Ўрта Осиё билан Булғористонни бирлаштирган, адабий муҳит яхлитлигини таъминлаган асарлардан бири Юсуф билан боғлиқ сюжетдир. Олтин Ўрда адабий муҳитида ўзбек тилида яратилган бу қиссанинг ўзига хослик касб этиши ҳақида, ўзбек адабиётида жанрлар тараққиётида Олтин Ўрда адабий муҳити муҳим аҳамият касб этгани ҳақида мазкур қисса таркибидаги кўплаб дидактик ҳикоятлар маълумот беради.

XIV аср ҳикоячилигининг яна бир ўзига хослиги – тарихийлик тамойилининг устунлигидир. Агар Олтин Ўрда адабиёти ва унга яқин даврлардаги ҳикоятларга эътибор берсак, ҳикоятларнинг қаҳрамонлари тарихий шахслар экани яққол кўзга

[3] Koprulizada M. F. Turk adabiyati tarixi. Istanbul, 1926, s. 277.
[4] Қамуғ – барча, ҳамма.
[5] Телим – кўп, анча, жуда.
[6] Укуш – кўп, зиёд.
[7] Носируддин Бурҳониддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб, Тошкент. "Ёзувчи" нашриёти, 1990, 100-бет.

ташланади. Бу – ўзбек мумтоз адабиёти ҳикоятларининг битта қирраси. Жумладан, Эронда мўғул элхонийлари давлатида яратилган уч жилдли "Жомеъ ут-таворих" асаридаги ҳикоятларнинг қаҳрамонлари бу фикримизга бир далилдир. Бу асарнинг иккинчи жилдидан ўрин олган қирқта ҳикоятнинг бош қаҳрамони Ўктойхондир. Учинчи жилдда ҳам Ғозонхон ҳақида қирқта ҳикоят бор. Ҳар иккала жилддаги ҳикоятларни ҳукмдорларнинг донолиги, адолатпарварлиги, раиятга кўрсатган марҳаматлари, ақл-фаросатлилиги ва бошқа кўп фазилатлари бирлаштириб туради. Бу давр ҳикоячилигига таъриф берсак, жамият билан адабиёт ўртасидаги алоқалар маънавий ҳаётнинг чуқур илдиз отиши маҳсули сифатида юзага келган деган фикрни ўртага ташлаш мумкин.

"Қисаси Рабғузий" ҳақида сўз юритилганда, албатта, Олтин Ўрда давлатини мустаҳкамлашга ва Кўпрулизода айтганидек, "тақводор ва зоҳид"лар ўлкасига айлантиришга қаратилган адабиёт яратиш асосий мақсад бўлганини англаш мумкин. Том маънодаги "тақводор ва зоҳид" она адабиёт Олтин Ўрда ўзбек адабиётида пайдо бўлди. Зотан, бу ўлкадаги маънавий мулк ҳам, кўпроқ диний-маърифий адабиётдан иборат эди. Олтин Ўрдада бу асарлардан бошқа эпик ижод намуналари ҳам бор. Масалан, Ҳисом Котибнинг "Жўмжўма султон" достони, шунингдек, Қутбнинг "Хусрав ва Ширин" достони, Сайфи Саройининг "Гулистони бит-туркий" каби эски ўзбек тилига таржима қилинган асарлар ҳам мавжуд. Аммо ҳикоячиликда юқоридагидай "Қисаси Рабғузий", "Наҳж ул-фародис" сингари диний-маърифий асарларнинг аҳамияти катта бўлиб, оммага солиҳлик ва тўғрилик, ҳалоллик ва ростгўйлик йўлини кўрсатишда муҳим вазифа бажарди ва бугунги кунда ҳам шу вазифадан четда эмас. Мисол тариқасида "Қисаси Рабғузий"дан бир ҳикоятга мурожаат қиламиз.

Ҳикоятнинг мазмуни содда, аммо моҳияти теран. Канизак ўткинчи мол-дунёдан кўра, ақлли, чуқур тафаккур эгаси бўлган Хорун ар-Рашидни афзал билади. Чунки мол-дунё ҳаваси ва иштиёқи одамзодни йўлдан оздиради. Бу – азалдан маълум ақида. Ҳамма орзу-истакларга эса ақл ва тафаккур билан эришиш мумкин. Қолаверса, мазкур ҳикоят анъанавий тарзда "Қисаси Рабғузий"га етиб келган. Ҳикоятнинг мазмуни Абу Райҳон Берунийнинг "Минералогия" китобида бор. Ҳикоятни Насимхон Раҳмонов ўзбекчага ўгириб, "Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари" китобига киритган[8]. Ўша ҳикоятда Хоруннинг канизакларидан бири, бошқа канизаклардан фарқли ўлароқ, у инъом қилган дурру гавҳарларга назар солмайди, балки Хорун ар-Рашидни ўша бойликлардан афзал билади, Хорун ар-Рашиднинг "Нимага сен ҳам дугоналарингга ўхшаб дурру гавҳарлардан териб олмаяпсан?" деган ғазабнок саволига жавобан, унинг қўлидан ушлаб: "Мана, менинг дунёдаги энг қимматбаҳо тошлар орасидан танлаб олганим", дея жавоб беради. Бу воқеадан ҳукмдор қаттиқ таъсирланади ва канизакнинг ақл-фаросатига қойил қолади. Бунинг натижасида канизак бир умр ҳукмдорнинг энг суюкли рафиқасига айланади.

Беруний билан Рабғузий ўз асарларида келтирган мазкур ҳикоятнинг манбаи бир – халқ орасида тарқалган оғзаки ривоят. Биз ишонч билан шундай хулосага келишимизга сабаб шуки, воқеанинг ўзак мазмуни – канизакнинг (қорабошнинг) ақл-фаросатлилиги ва донишманд Хорун ар-Рашид канизакнинг ақл-фаросатига тонг қолиб, уни бир умр ўз ҳимоясига олгани бирдай баён қилинган. Даврга ва географик ҳудудга асосан, айрим деталлар, воқеалар ўзгарган, баъзи қўшимчалар киритилган. Бу – халқ оғзаки ижодига хос қонуният. Ҳар иккала ҳикоятда ҳам асосий мақсад – Хорун ар-Рашидни улуғлашгина эмас, балки ақл ва тафаккурнинг қудратли

[8] Қаранг: Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари, 1-жилд, Т.: Фан, 2003, 110-бет.

кучини намойиш қилишдир. "Қисаси Рабғузий"даги аксарият ҳикоятлар ҳам, худди "Минералогия" китобида баён қилинган Хорун ар-Рашид ҳақидаги ҳикоятлар сингари, ана шу мақсадда турли манбалардан, халқ орасида тарқалган воқеалар асосида яратилган. Асосий қаҳрамон Хорун ар-Рашидга берилган барқарор таъриф-тавсиф шундан далолат беради. Яна шуни айтиш лозимки, барқарор таъриф-тавсиф фольклор жараёнига мансубликни таърифлайди. Асардаги бошқа ҳикоятларда ҳам шу хусусият мавжуд.

Рабғузий асосий мақсадини баён қилиш учун қиссалар таркибидаги ҳикоятлардан истифода этганда, асосий юкни ҳикоятларга юклайди. Аввал айтиб ўтганимиздай, қиссалар таркибида ҳикоятдан ташқари бир нечта жанр – ривоят, хабар, латифа, нақл кабилар албатта, ҳикоятга хизмат қилади. Яна "Қиссаи Юсуф сиддиқ алайҳиссалом" қиссасига қайтамиз. Қиссада Зулайҳо Юсуфга ошиқ бўлиб, ўз ниятини амалга ошириш пайида турган пайтда, Рабғузий қиссанинг айнан шу воқеасини янада кенгроқ тарзда китобхонга етказмоқ учун имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийга бир аёлнинг ошиқ бўлиб қолгани ва имом бу аёл билан зино қилишдан қандай қилиб ўзини сақлаб қолгани тўғрисида бир ҳикоятни келтиради.[9]

Рабғузий бу ҳикоятни келтиришдан мақсади – Зулайҳо билан имом Муҳаммадни йўлдан урмоқчи бўлган аёл ўртасидаги "эссизлик", Юсуф билан имом Муҳаммад ўртасидаги "эзгулик"ни намуна қилиб кўрсатиш бўлган. Рабғузий, ўзи айтмоқчи "эзгулик" ва "эссизлик"ни мазкур қиссадаги бошқа жанрларга эмас, айнан ҳикоятга юклайди.

"Қисаси Рабғузий" ҳикоятлари қиссалар таркибида воқеаларни боғловчи восита сифатида қўлланган билан диққатга сазовор. "Қисаси Рабғузий"га деярли замондош бошқа асарлар таркибидаги аксарият ҳикоятлар ҳам айнан шу вазифани бажариш учун яратилган. Жумладан, Маҳмуд Али ибн ас-Саройининг "Наҳж ул-фародис" асари таркибидаги ҳикоятларни мисол сифатида келтириш мумкин. Бутун бобнинг моҳияти ва хулосасини Маҳмуд Али ҳикоят орқали китобхон кўз ўнгида гавдалантиради. Айниқса, "Наҳж ул-фародис" асаридан ўрин олган ҳикоятларнинг асосий моҳияти охирги – тўртинчи бобда: "Ҳақ таоло ҳазратидин йиратғу йавуз амаллар байани ичинда турур" деган бобда мужассамланган. Маҳмуд Али ҳикоятларга алоҳида урғу бериш орқали диний-маърифий асарларнинг Олтин Ўрда адабий муҳитини белгиловчи асосий омиллардан бири ва ўзбек адабиётининг ўзига хос тамойилларини белгилайдиган восита эканини кўрсатиб беришга эришган. "Наҳж ул-фародис" ҳикоятларининг асосий тамойиллари – улуғ пайғамбарлар ва авлиёлардан қолган хокисорлик, мўминлик, ҳалоллик, карам ва саховат, хуллас, инсонни камолотга йўллайдиган фазилатлардир. Маҳмуд Али, худди Рабғузий сингари, пайғамбарлар, авлиёлар ва мутасаввифлар тўғрисидаги ҳикоятлар соғлом жамиятнинг асоси ва соғлом ақл эгаларининг аъмоли эканини тасдиқлаган. Бу асардаги ҳар бир ҳикоятда – ноҳақ қон тўкиш, зино, май ичиш, такаббурлик, ёлғон ва ғийбат, дунёни севмак, кин ва ҳасад каби қатор иллатларни фош қилган ҳикоятларда ҳам юқоридагидай тамойилларнинг аниқ аломатларини кўрамиз.

Мазкур ҳикоятдан келиб чиқадиган хулосани муаллифнинг ўзи айтади. Мана, унинг хулосаси: "Мундин маълум бўлурким, одамийнинг минар оти ҳаром йейур бўлса, идиси улуғ савоблардин маҳрум бўлур эрмиш. Хосса ким, ўзи ҳаром йейур бўлса, анинг холи натаг бўлғай?!"[10]

Ҳикмат ва яна ҳикмат – Олтин Ўрда адабиётининг, хусусан, "Қисаси Рабғузий" ва

[9] Носируддин Бурҳониддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб, 125-бет.
[10] Шу асар, ўша саҳифа.

"Наҳж ул-фародис" ҳикоятларининг асосий пойдевори ҳисобланади. Ҳикоятлардан маълум бўладики, Олтин Ўрда давлатини бошқарган мўғул беклари бутунлай бошқа бир муҳитга тушган бўлиб, улар аввал кечирган ҳаёт тарзидан бу давлатдаги маънавий муҳитнинг афзалликларини англаб етганлар. Зотан, юқоридаги ҳикоятда илгари сурилган ҳаром ва ҳалол луқма ҳақидаги ўгитлар мусулмонлик ақидалари орасида муҳим ўрин тутган ва ҳозир ҳам шундай. Инсонларнинггина эмас, жамиятнинг соғломлашуви ҳам, аслида, ҳалол луқмадандир.

"Наҳж ул-фародис"даги қаноат борасида илгари сурилган ҳикоятларга назар ташлайлик. Инсоннинг кўп фазилатлари, айни пайтда жамиятдаги инсонийлик бурчлари аслида қаноатга боғлиқ. Маҳмуд Алининг бу мазмундаги ҳикоятлари, бошқа мавзудаги дидактик ҳикоятлари каби бир нуқтада туташади – инсонни камолотга олиб бориш. Борига қаноат ҳосил қилмоқ, айниқса, инсоннинг энг гўзал ахлоқини ярқ этиб кўрсатиб туради. Гўзал ахлоқнинг бу тури ҳақидаги ҳикоятларга "Наҳж ул-фародис"да алоҳида ўрин берилгани бежиз эмас. Қолаверса, инсоннинг қаноати унинг жонини ҳам омон сақлайди, аммо моддий оламга ружу қўйишдай очкўзлик инсоннинг маънавий оламини ҳам издан чиқаради. Бу ўгитлар бугунги ҳикоялар каби пинҳон эмас, балки очиқ-ошкора. "Қисаси Рабғузий" ва "Наҳж ул-фародис"даги ҳикоятларнинг бу хусусияти давр ҳикоячилигининг жўнлиги эмас, мумтоз адабиётдаги ҳикоятларнинг дидактик мазмуни билан белгиланади. Шу билан бирга, бу ҳикоятлар ўз даврида теран мазмун-моҳият касб этганини ҳам назарда тутишимиз керак. Дидактика – даврга хизмат қилиш учун яратилган, кейинги даврлар ундан керагини олган, нокерагига эътибор қаратмаган. Дидактик асарлар, у қайси жанрда бўлмасин, мавҳумликдан холи. Инсон моддий олам билан эмас, балки маънавий олами бутунлиги билан тирик.

XIV аср ўзбек адабиёти ҳикоячилигининг ўзига хосликлари ва қирралари мана шу иккала асарда кўринади. "Қисаси Рабғузий"даги қиссаларнинг мақсади ҳам, "Наҳж ул-фародис"даги тарихий воқеалар баёни ҳам ҳикоятларнинг дидактик руҳда яратилишига олиб келди.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада ўзбек адабиёти тарихида алоҳида из қолдирган Олтин Ўрда адабиёти ҳақида сўз юритилади. Рабғузий ва Маҳмуд Али ибн ас-Саройининг ҳикоячиликдаги маҳорати кўрсатиб берилади.

В этой статье рассматривается золотоордынская литература, занимающая особое место в истории узбекской литературы, а также мастерство рассказчиков Рабгузий и Махмуда Али ибн ас-Сараия.

This article examines the Golden Horde literature, which occupies a special place in the history of Uzbek literature, as well as the skills of the storytellers of Rabguzia and Mahmud Ali ibn al-Sarai.